

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Наманган давлат университети

Ижтимоий-иқтисодий факультети

Ҳуқуқшунослик кафедраси

Кўлёзма ҳуқуқида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти.

Тайёрлади:

5380100-юриспруденция таълим
йўналиши 4 курс 401- гуруҳ талабаси
Холматов Абдор Бахриддинович

Илмий раҳбар:

катта ўқитувчи Холиқов Х. К.

Наманган-2012

Мундарижа

Кириш.....	4-11
I боб. Ижтимоий таъминотга оид ижтимоий муносабатлар ва бу борада Президентимиз И. А. Каримов асарлари ва маърузаларида билдирилган фикрлар.....	12-20
1.1. 2012 йил мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтирадиган йил бўлади.....	12-20
1.2. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар.....	20-28
II боб. Ёшга доир пенсиялар пенсиялар. Ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. Ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш.....	29-34
2.1. Ёшга доир пенсиялар.....	29-34
2.2. Ногиронлик пенсияларини тайинлаш шартлари ва тартиби.....	34-39
2.3. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. Ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш.....	40-44
III боб. Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти.....	45-54
Хулоса	55-57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58-63

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти масалалари ёритиб берилган. Тадқиқотда ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар, ёшга доир пенсиялар пенсиялар. Ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари, ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш ва фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминотининг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ҳуқуқий, демократик давлатнинг муҳим вазибаларидан бири мавжуд фуқароларни ижтимоий ҳимоя билан таъминлашдир. Ўзбекистон Республикасида ҳам ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг моддий ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олган.

Бозор муносабатларининг бутун механизми давлат томонидан кўрсатиладиган ва қонун билан мустақамланадиган бозор шарт-шароитлари доирасидагина амалга оширилади. Қонунлар ҳаётӣ, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак.¹

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим соҳаларидан бири бўлмиш ижтимоий таъминот соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу борада Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ижтимоий таъминотга оид муносабатларни тартибга солишга доир қонунлар, фармонлар ва қарорлар алоҳида ҳуқуқий муносабатларни жорий этиб, ижтимоий лойиҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган имкониятларни очиб бермоқда.

Мустақилликка эришганимиздан то ҳозирга қадар ўтган йилларнинг эътиборли номлар билан эълон қилиниши Республикамизда ижтимоий ҳимоянинг такомиллаши ва жамиятда ижтимоий сиёсатнинг самарали олиб борилишидан далолатдир.

Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек: - “Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустақамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, кириб келаётган янги - 2012 йилга юртимизда “Мустақам оила йили” деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан - жамият мустақам, жамият мустақам экан - мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга “Мустақам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунамиз, мустақам оила ва бахтли турмуш, авваламбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: “Ўзбекистон” 1993 й. 69-70 Б.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиш бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш - буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”¹.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш инсонпарварлик принципини муҳим омили ҳисобланади. Давлатнинг инсонпарварлиги ва ривожланишга биринчи навбатда у ўтказётган ижтимоий сиёсатга қараб баҳо бериш мумкин. Давлатнинг ижтимоий ҳимояни самарали олиб бориши иқтисодий тараққиётга бевосита боғлиқдир.

Зеро фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, аҳолини айрим тоифаларини (қариялар кам таъминланган оилалар, ёш болали оналар, ногиронлар ва бошқалар) моддий жиҳатдан таъминлаш давлатнинг муҳим ижтимоий сиёсати ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш даврида аҳолини айниқса, ночор гуруҳларни аниқ манзилли ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими барпо этилди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотлар дастуридаги узлуксиз устивор йўналишлардан бирига яъни ислохотларнинг ҳамма босқичларида устивор ҳисобланадиган вазифалар қаторига киради. Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир.

Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларини яъни: “Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган энг устувор вазифа, оммавий ҳаракатларнинг энг асосий қويدаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади”².

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси биринчи марта фуқароларнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Бундан ташқари конституцияда илк бор пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, узоқ йиллардан буён амалга ошириб келинаётган кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсатимиз давомида Ўзбекистон Республикасида пенсия турлари қўлланилганлиги ва уларни тайинлашнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб таҳлил этиш келгусида аҳолини ижтимоий ҳимоясини янада кенгайтирилиши учун ҳам керакли илмий-назарий база барпо этилишига хизмат қилади.

Юқоридагиларнинг барчаси танланган тадқиқот мавзусининг замонамиз талаблари, ҳаётимиз эҳтиёжларидан келиб чиқаётган долзарб эканлигини сўзсиз исботлаб турибди.

Битирув малакавий ишининг илмий ўрганилганлик даражаси.

Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминотида оид масалалари Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва меҳнат қонунчилиги асосида татқиқ этилган. Мавзунини ёритиш жараёнида меҳнат, ижтимоий таъминот ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари бўйича махсус адабиётлар ўрганилган. Бу мавзу дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида³, монография ва илмий мақолаларда илмий изланишлар мавзуси бўлиб хизмат қилган.

¹Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз-демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”, “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабарь;

² И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари “Ўзбекистон” 1998 йил.

³Д.Ахмедов Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик.–Т.: ТДЮИ., 2010. –Б. 230.; А.А.Иноятов, Г.К.Саримсақова, Г.Муродова, М.А.Усманова Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005.–Б. 302.; Й.Турсунов, З. Шойимхонов Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик.–Т.: ТДЮИ, 2003.–Б. 230.; М.А.Усманова, Й.Турсунов Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув қўлланма.–Т.: Молия, 2004.–Б. 190.

Шунингдек, мавзуни ёритиш жараёнида ҳозирда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари ва ижтимоий таъминот соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларидан ва Вазирлар Маҳкамасининг, Президентимизнинг шу соҳага дахлдор қарор ва фармонларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади ижтимоий таъминотга оид муносабатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи манбалари орқали пенсия таъминоти турлари ва уларни қўллашни тартибга солиш муаммоларини атрофлича ўрганиш ва шу асосда илмий асосланган хулоса ва таклифлар беришдан иборат.

Ҳозирда ижтимоий таъминот соҳасида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Битирув малакавий ишида улар ҳақида батафсил маълумотлар ёритилиб, уларни мазмун моҳияти, очиб берилган. Биз хоҳлаймизми ёки йўқми ижтимоий таъминот соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларда иштирок этишимизга тўғри келади. Шу боис, битирув малакавий иши соддалаштирилган ҳолда тизимлаштирилган.

Битирув малакавий ишида ижтимоий ҳимоя тизимини барча шакллари ҳақида тўхталиб ўтилган. Жумладан пенсия тизими, бошқа ижтимоий ёрдам турлари ва ҳоказолар.

Қариганда меҳнат қобилиятини, боқувчиси йўқотганда ва бошқа ҳолларда қонунда кўзда тутилган моддий таъминлашдан ташқари, фуқаролар жамғариб бориладиган муқобил пенсия турини олиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланадилар. Пенсиялар ва ногиронларнинг турли ижтимоий хизматга бўлган ҳуқуқи “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг жағарилиб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”даги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва бошқа норматив ҳужжатларида мустаҳкамланган.¹ Мазкур битирув малакавий ишининг юқоридаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида пенсия таъминоти турларига юридик баҳо бериш, ижтимоий таъминот шакллари ва улар билан боғлиқ ўзида мужассамлаштирган нормаларни шарҳлаш ва ижтимоий муносабатлардаги ўрнини аниқлаштиришга қаратилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоялаш соҳасида юритилаётган давлат сиёсати замон талабига мос бўлиб, аҳолининг муҳтож, иқтисодий ночор табақаларига аниқ йўналтирилганлиги билан диққатга сазовордир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари қаторига: ижтимоий таъминот ҳуқуқида пенсия турларига тушунча бериш; уларнинг бошқа ижтимоий таъминот шакллари билан фарқ қилувчи асосий жиҳатларини аниқлаш ва асосий белгиларига таянган ҳолда илмий жиҳатдан тавсифлаш; пенсия турларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ва уларнинг қўлланиши хусусиятларини аниқлаш; ижтимоий таъминот қонунчилигининг ижросини таъминлашга норматив – ҳуқуқий воситалар ҳамда усулларни аниқлаш, уларга илмий таъриф бериш; битирув малакавий иши асосида ижтимоий таъминот ҳуқуқининг пенсия таъминоти турлари ва улардан амалда фойдаланиш ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни илгари суриш кабилар кирди.

Битирув малакавий ишининг объекти. Ижтимоий таъминотга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида анъанавий пенсия ва муқобил пенсия турлари баён этилган илмий фикр ва мулоҳазалар ташкил этади. Бундан ташқари, ижтимоий таъминот шакллари билан боғлиқ юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, уларни тартибга солиш механизми хусусида маълумотлар мавжуд.

¹Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09.1993 йил Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги 2 декабрь 2004 йил Қонуни. Манба: [www . Lex. Uz](http://www.lex.uz).

Битирув малакавий ишининг манбалари. Битирув малакавий ишини ёритишда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий таъминот соҳасида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилар, профессор олимларнинг илмий адабиётларидан, илмий мақолалар, тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишига асос вазифасини ўтовчи муҳим манба-Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасидир. Унда айтилишича, “Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга”¹дир.

Конституция асосида яратилган, 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонун, аввал қабул қилинган ва 1991 йил 1 январдан кучга кирган “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги, 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг жағарилиб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”даги қонунлардан кенг фойдаланилган. Булардан ташқари, қонуности ҳужжатлардан, 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги, 1996 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги, 2007 йил 23 январда қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури тўғрисида”ги қарори, 2007 йил 19 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида”ги Президент фармони ва бошқа бир қатор фармон ва қарорлардан кенг фойдаланилган. Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан 2000 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор Низомлардан битирув малакавий ишини ёритишда кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг ёзилиш услуби. Ушбу мавзунини тадқиқ қилиш илмий тадқиқотларни амалга ошириш соҳасидаги турли усуллар қўлланилгани ҳолда амалга оширилди. Бунда тарихий материалларга баҳо бериш ва уларни бугунги кун билан таққослаш, хусусийдан умумийга ва умумийдан хусусийга томон изланишлар олиб бориш, қиёслаш, умумлаштириш, статистик ҳисоботлар ва бошқа ахборотларни умумлаштириш, таҳлил қилиш, мантиқий таҳлил қилиш каби аниқ илмий услублардан фойдаланилди.

Бундан ташқари битирув малакавий ишини ёзишда олимларнинг илмий адабиётларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишининг аҳамияти. Пенсия турлари, уларни тайинлаш ҳамда пенсияларни амалда таъминланиши билан боғлиқ масала бугунги кунда барчани бирдек қизиқтиради ва ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Чунки ижтимоий таъминот ҳуқуқининг асосий манбаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуни эндиликда бозор иқтисодиёти тизимининг такомиллашиб бориши, истеъмол ва истеъмолчи ўртасида либерал муносабатларнинг юзага келиши нархларнинг эркинлаштирилиши шароити мамлакатимизда ҳам пенсионерлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг янада самарали тизимларини ишлаб чиқишга ундайди. Фикримизча, мазкур битирув малакавий ишидан ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанидан қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу битирув малакавий иши мураккаб режа асосида ёзилган бўлиб, кириш, 3 та боб ва 4 та параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборатдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: “Ўзбекистон” 2011 й. 39-модда. 13–Б.

I боб. Ижтимоий таъминотга оид ижтимоий муносабатлар ва бу борада Президентимиз И. А. Каримов асарлари ва маърузаларида билдирилган фикрлар.

1.1. 2012 йил мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтирадиган йил бўлади.

“Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда ретсессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда”¹.

Кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. “Саккизлик” ва “йигирмалик” деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модел ханузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Шуни тан олиш керакки, сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар асосан кўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий валюталарнинг қадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир

¹ “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

“Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамадан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор”¹.

Охириги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади:

“Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди. Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда”².

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди. Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга

¹“2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

² Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотидан. www.yurida.uz.

қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

“Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат” деб ҳисобланади. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас. Шу ўринда мамлакатимиз молия-банк тизимида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан қайд этмоқчиман. 2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда”¹.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, “Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда “барқарор” рейтинг даражасини бермоқда, айни пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилингани, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

¹“2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари кўйилмаларининг 75 фоиздан ортигини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин. Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

“Ўтган йили ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини мутгасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2011 йилда республикаимизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Айтиш керакки – шунга эътибор беришингизни сўрайман - аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинмоқда”¹.

Сир эмаски, биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициентини 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Бунинг исботи тариқасида куйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман. Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди. Айтиш керакки, 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

Ҳисобот йилида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирар эканмиз, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит

¹“2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилганини таъкидламоқчимиз.

Олис ва чекка ҳудудларда касб-хунар коллежларининг 24 та филиалини ташкил этиш, фаолият юритаётган коллежлар қошида 18 та талабалар турар-жойларини қуриш орқали умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш бўйича қўшимча чора-тадбирларнинг қабул қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлди.

Умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46 минг 300 дан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. Мамлакатимиздаги 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ЗиёНет электрон ахборот тармоғига уланганини қайд этиш лозим. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартнома тузиш йўлга қўйилди. Мазкур келишувлар асосида 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Ҳукумат қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016 йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Маблағларни жамлаш ва дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида ўтган йили махсус жамғарма ташкил этилди ва унинг маблағлари ҳисобидан 2011 йилда бир йилга мўлжалланган 39 миллиард сўмдан ортиқ тадбирлар молиялаштирилди.

1.2. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар.

“Ҳуқуқий муносабатлар - давлат томонидан ҳимоя қилинадиган, одатда, қонун нормаларининг кишилар хатти-ҳаракатларига таъсири натижасида юзага келадиган ва унинг қатнашчиларида субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятлар мавжудлиги билан тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир”¹. Ушбу таъриф ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган барча асосий хусусиятларни акс эттиради.

Юқоридаги таърифдан ҳуқуқий муносабатларга хос қуйидаги хусусиятларни англаб олиш мумкин:

а) ҳуқуқий муносабат, бу - инсонлар фаолияти, хулқ-атвори билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлардир;

б) ҳуқуқий муносабат - юридик ва жисмоний шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятларини рўёбга чиқариш натижасида юзага келувчи ижтимоий муносабатлардир;

в) ҳуқуқий муносабат - шахслар ўртасидаги иродавий, онгли муносабатдир;

г) ҳуқуқий муносабат - давлат томонидан қонунлар воситасида муҳофаза қилинадиган муносабатлардир.

Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатлар турли хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратилади. Улар: давлат-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, молиявий-ҳуқуқий ва бошқа турларга бўлинади.

¹ А.Саидов, У.Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., “Адолат”, 2001 йил, 254-Б.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатлар ҳам ҳуқуқий муносабатларнинг бир тармоғи бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий таъминот муносабатлари моҳият жиҳатдан давлат - ҳуқуқий муносабатлардан иборат бўлиб, бу муносабатларнинг юзага келишида қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар етакчи ўринни эгаллайди, яъни ана шундай асослар мавжуд эмаслиги томонлар эрки-хоҳишидан қатъи назар ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига монелик қилади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар - фуқароларни пенсиялар, нафақалар, бошқа ижтимоий ёрдамлар билан таъминлаш юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар ҳамда тартибларга мувофиқ равишда, тегишли юридик фактлар (муайян ҳолларда эса - юридик таркиб) мавжуд бўлганида ижтимоий таъминотни амалга оширувчи органлар билан фуқаролар (айрим фуқаро, оила) орасида вужудга келувчи қонунлар билан тартибга солинадиган ҳамда давлат томонидан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардан иборатдир.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқига оид муносабатлар юзага келишига зарур юридик фактлар (юридик-фактик асос) мавжуд бўлганида таъминот олишга ҳақли бўлган шахснинг таъминот олишга қаратилган иродавий-онгли ҳаракати, ижтимоий таъминотни амалга оширувчи орган томонидан эса ушбу таъминотнинг берилишига қаратилган юридик актнинг содир этилиши сабаб бўлади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келишига асос бўладиган юридик фактлар - юридик оқибат келтириб чиқаришга лаёқатли бўлган иродавий-онгли ҳаракатлар ҳам, муайян воқеа-ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай юридик фактлар жумласига:

а) муайян давр давомида меҳнат муносабатида бўлганлик - меҳнат стажига эгалик факти;

б) ногирон бўлиб қолганлик факти;

в) қарамоғида бўлганлик факти;

г) меҳнатга яроқсизлик факти;

д) касб касаллигига чалинганлик ёки ишлаб чиқаришда жароҳат олганлик факти ва бошқалар киритилиши мумкин;

е) муайян давр давомида меҳнат муносабатида бўлганлик ва фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия жамғармасига маблағ ўтказиб борганлик факти.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий жараён, воқеликнинг бир кўриниши сифатида ўз элементлари таркибий қисмларига эга бўлади ва бу элементлар куйидагилардан иборат бўлади:

1) Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатнинг объектлари. Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашига кўра: “ҳуқуқий муносабат таркибий тузилишининг зарурий қисмларидан бири - уларнинг объектидир. “Объект” - лотинча сўз бўлиб, мавзу деган маънони англатади ва ҳар қандай ҳуқуқий муносабатнинг замирида ётган ҳаётий ҳодисаларни, нарса ва жараёнларни тартибга солишга қаратилган муайян вазифани ўтайди. Шу боис, объектсиз, яъни ҳеч нарсага қаратилмаган, ҳеч нарсага таъсир кўрсатмайдиган ҳуқуқий муносабат бўлмайди”¹.

Ҳуқуқий муносабат объектлари моддий бойликлар, номулкий-шахсий неъматлар, муайян мулкӣ ёки номулкий ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат объекти бўлиб пенсиялар, нафақалар ва бошқа ижтимоий ёрдамлар, турли имтиёзларга нисбатан фуқароларда бўлган ҳуқуқлар саналади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат таркибининг иккинчи муҳим элементи – бу муносабатнинг субъектлари қатнашчиларидир. ҳуқуқий муносабатнинг субъектлари сифатида ҳар доим субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятларга эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ўзи (ўз органлари ва муассасалари орқали) иштирок этади.

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., 2000 йил, 303-Б.

Шахс ҳуқуқ субъекти сифатида ҳуқуқий муносабатларда қатнаша олиши унинг ҳуқуқ субъектлилиги лаёқатига эга эканлигига боғлиқ бўлади. “ҳуқуқий субъектlilik - ҳуқуқ субъекти бўла олиш қобилиятидир. ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий субъектlilik ва юридик факт ҳуқуқий муносабатлар вужудга келишининг шарт-шароитлари ҳисобланади”¹.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатларда муносабат субъекти бўлиб қуйидагилар қатнашадилар:

1. Фуқаролар (тегишли ҳолларда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар);
2. Юридик шахслар (мулкчилик шакли, хўжалик юритиш усулидан қатъи назар);
3. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган яққа тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалигининг аъзолари;
4. Давлат (ўзининг ижтимоий таъминотни амалга оширувчи, ижтимоий таъминот тизимини бошқарувчи органлари, муассасалари орқали);
5. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари;
6. Оила – яхлит, бир бутун ҳолда.

Ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатлари ва муомала лаёқатлари, ваколатлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарликлари ҳажми фуқаролик қонунларида; корхоналарнинг низомларида ва бошқа қонунчилик актларида белгилаб қўйилади.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни учинчи элементни ташкил этади ва у муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳамда субъектив мажбуриятларидан ташкил топади. Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабат мазмуни қонун ҳужжатларига кўра, унинг субъектларига берилган ҳуқуқлар ҳамда ваколатлар, юклатилган мажбуриятларга кўра белгиланади.

Ижтимоий таъминот ҳуқуқий муносабатлари қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонунларга мувофиқ, маъмурий усулда (юқори турувчи давлат ёки жамоат органи орқали) ёки суд тартибида ҳимоя қилиниши мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид ҳуқуқий муносабатлар мақсадга кўра:

- а) ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган;
- б) ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган;
- в) ҳуқуқларни тан олишга – белгилашга қаратилган;
- г) процессуал муносабатлар;
- д) жавобгарликка оид муносабатларга бўлиниши мумкин.

Ижтимоий таъминотни амалга ошириш шакллари кўра эса бу муносабатларни:

- 1) Меҳнат стажи ва узоқ йиллик хизмат муддатини белгилашга оид муносабатлар;
- 2) Пенсия тайинлаш, тўлаш соҳасидаги муносабатлар;
- 3) Нафақалар тайинлаш ва тўлашга оид муносабатлар;
- 4) Фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги муносабатлар;
- 5) Ёлғиз фуқароларни қариялар уйи ва ногиронлар уйларида жойлаштириш, у ерда сақлаш-таъминлашга оид муносабатлар;
- 6) Аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёзлар ва енгилликлар бериш билан боғлиқ муносабатлар;
- 7) Ижтимоий таъминот сифатини, ижтимоий таъминот берилишида қонунларга амал қилинишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва бошқа муносабатларга бўлиш мумкин.

Ижтимоий таъминотга оид муносабатларнинг ҳар бир турини ҳуқуқий тартибга солишга оид хусусиятлар тегишли қонун ҳужжатларида назарда тутиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигини ташкил этиш

¹ А.Саидов, У.Тожихонов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., “Адолат”, 2001 йил, 264-Б.

тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ¹ ижтимоий таъминот тизимини яхшилаш, эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштирилиши, шу асосда аҳоли турмуш даражасини барқарор юксалтириш мақсадида меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирликлари негизида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тузилиши, туман ва шаҳарларда эса ижтимоий таъминот бўлимлари аввалги ҳолатида сақлаб қолиниши кўзда тутилди. Мамлакатда ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва уни идора қилиш ушбу органларнинг асосий вазифаларидан эканлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида”ги Низом тасдиқланди².

Ушбу Низомга кўра ижтимоий таъминотни амалга ошириш соҳасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари зиммасига пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилаларни амалда ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, ижтимоий таъминотни ташкил этиш ва бошқариш, ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва соғломлаштириш хизматлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, аҳолига протез-ортопедия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш каби вазифалар юклатилган.

Юқоридаги вазифаларга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги белгилаб қўйилган функцияларни бажаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра вазирлик зиммасидаги вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминлаш учун унинг қуйидаги тузилмаси кўзда тутилган:

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг намунавий тузилмаси эса қуйидаги таркибда бўлиши белгиланган.

Ижтимоий таъминот тизимида Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикасининг Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминоти тизимларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, аввалги Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси негизида ташкил этилган бўлиб, унинг функциялари ҳозирда бир мунча ўзгартирилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1252-сонли қарори³ асосан 2010 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ сонли қарори⁴

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2001 йил, 3–4 -сон, 9-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 йил, 7-сон, 36-модда

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1252-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1252-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда.

асосан 2010 йил 1 январдан бошлаб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига маблағлар тўлиқ тўпланишини таъминлаш ва тўлиқ миқдорда тушишини назорат қилиш билан боғлиқ вазифалар Молия вазирлиги ва унинг қуйи органилари зиммасига юклатилди.

Низомга кўра, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

1) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мажбурий тарзда, юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжалиги аъзолари томонидан ихтиёрий равишда тўланадиган суғурта бадаллари;

2) фуқаролар томонидан мажбурий равишда тўланадиган суғурта бадаллари;

3) корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан амалда сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмидан белгилаб қўйилган миқдордаги мажбурий ажратмалар;

4) муддатидан олдин ва имтиёзли пенсиялар тайинланиши муносабати билан ундириладиган маблағлар;

5) суғурта бадаллари ва мажбурий ажратмаларни ўз вақтида тўламаганлик учун ундириладиган жарималар ҳамда пенялар;

б) жисмоний ва юридик шахслар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ихтиёрий тўловлар тўланиши.

Корхона ва ташкилотлар Пенсия жамғармасига амалда ҳисобланган корхона ходимлари иш ҳақи фондининг 25 фоизи миқдорида ёлланиб ишлаётган фуқаролар эса ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақининг 5,5% фоизи миқдорида суғурта бадаллари тўлашлари назарда тутилган ихтисослаштирилган иш жойларида ногиронлар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналарга ҳамда “Ўзбекистон чернobilчилари” уюшмаси, унинг таркибий бўлимларига суғурта бадаллари тўлашда имтиёз берилган бўлиб, улар иш ҳақи фондининг 4,7 фоизи миқдорида бадал тўлайди.

Суғурта бадаллари тўлашда ҳисобга олинмайдиган тўлов турлари (улар: компенсация тўловлари, ишдан бўшаш нафақаси, моддий ёрдам пуллари, бепул овқат қиймати ва бошқалар).

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар ва деҳқон хўжалигининг аъзолари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаш тартиби ва муддатлари ушбу шахслар тўлайдиган суғурта бадаллари уларнинг ўзлари томонидан белгиланади, аммо энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим.

Корхона, ташкилотлар, яқка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, айрим фуқаролар томонидан суғурта бадалларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиблари, тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Пенсия жамғармаси маблағлари юзасидан кредит тақсимловчи (тасарруф этувчи) ваколатига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар Молия бошқармалари эга бўлади.

Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, маблағларнинг ўз вақтида тушиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш вазифаси “Нуроний” жамғармасининг “Назорат кенгаши” жамоатчилиги комиссиясига юклатилган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар йилнинг ҳар чорагида суғурта бадаллари ва бошқа тўловларнинг ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда тўланиши ҳақида ўзлари жойлашган ердаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига ҳисобот тақдим этишлари лозим бўлади.

Ўз вақтида ҳисобот тақдим этмаганлик, бадал тўланадиган манбаларни яширганлик, бадал тўловларини кечикиб амалга оширганлик учун тўловчи саналадиган корхона ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”да ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳажмда ҳамда тартибда молиявий жазога тортиладилар.

II боб. Ёшга доир пенсиялар пенсиялар. Ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. Ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш.

2.1. Ёшга доир пенсиялар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунида ва бошқа норматив ҳужжатларида мустаҳкамланган.¹ назарда тутилган тартибда давлат томонидан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар. Республика ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини пенсия билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига² биноан давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Фуқаролар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлганидан сўнг исталган пайтда пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этишлари мумкин, давлат пенсияларининг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

эркаклар - 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;

аёллар - 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади.

Пенсия тайинлаш учун (7-модда) етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 5 йил иш стажини мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда (29-модда) тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади, чунончи:

Ёшидан қатъи назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сонли рўйхати;

Умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхати.

Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига уруш ногиронлари, болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари, лилипутлар ва паканалар ҳам эга.

Ёшидан қатъи назар, қуйидагилар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади:

а) кон саноатидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар - башарти, улар ана шу ишларда камида 20 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, I қисм);

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09. 1993 йил Қонуни.; Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги 2 декабрь 2004 йил Қонуни. Манба: www . Lex. Uz.

² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09. 1993 йил Қонуни. Манба: www . Lex. Uz.

б) бевосита ерости ва очик кон ишларида (шу жумладан, кон-қутқарув қисмларининг шахсий таркиби) кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда, шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар - башарти, улар ана шу ишларда камида 25 йил ишлаган бўлсалар (1-сонли рўйхат, II қисм);

в) учувчилар ва учувчи-синовчилар таркибига кирувчи ходимлар, улар хизмат қилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар, белгиланган хизмат муддатини ана шу лавозимларда эркаклар камида 25 йил ва аёллар камида 20 йил адо этганлари тақдирда (1-сонли рўйхат, III қисм).

Юқорида қайд этиб ўтилган ходимлар саломатлигига (касаллигига) кўра учиш ишларидан бўшатиш тақдирда, белгиланган хизмат муддатини - эркаклар камида 20 йил ва аёллар камида 15 йил адо этган бўлсалар;

г) театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари:

ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, IV қисм);

ижодий иш стажи камида 25 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, V қисм);

ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VI қисм);

д) спортчиларнинг айрим тоифалари - иш стажи камида 20 йил бўлганда (1-сонли рўйхат, VII қисм).

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг¹ 7-моддасида белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (2-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар - иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар - иш стажи камида 15 йил бўлиб, бундан камида 7 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Ер ости ишларидаги меҳнат стажи эркакларда 10 йилдан кам ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан кам бўлган ҳолларда ходимларга бу ишлардаги ҳар бир тўлиқ йил учун “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг² 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши 1 йилга қисқартирилади.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда - эркаклар камида 5 йил, аёллар камида 3 йил 9 ой - ишлаган ходимларга пенсия ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

б) цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда (2-сонли рўйхат, II қисм).

Охирги иш жойидан қатъи назар, қуйидагилар юқоридаги Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар:

а) уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;

б) меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар (3-сонли рўйхат, I қисм):

эркаклар - иш стажи камида 25 йил бўлиб, бундан камида 12 йилу 6 ойи кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда;

аёллар - иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда.

Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда - эркаклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил - ишлаган ходимларга пенсия “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09. 1993 йил Қонуни., Манба: www . Lex. Uz.

² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09. 1993 йил Қонуни. Манба: www . Lex. Uz.

тўғрисида”ги қонуннинг¹ 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркакларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 ойи учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади;

з) болалиқдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни саккиз ёшгача тарбиялаган бўлса - иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда. Башарти, аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўлгунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади.

к) ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари - махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VII қисм);

л) ихтисослашган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари - махсус иш стажи қишлоқ жойда камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда (3-сонли рўйхат, VIII қисм).

м) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлари (3-сонли рўйхат, IX қисм):

- эркаклар - махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

- аёллар - махсус иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг² 37-моддасининг “а”, “б”, “в” ва “г” бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажи бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар”. Ушбу қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 15 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига гипофизар миттилик касалига чалинганлар (лилипутлар) ва гавда тузилишида мутаносиблик бузилган пақаналар:

- эркаклар - иш стажи камида 20 йил бўлганда;

- аёллар - иш стажи камида 15 йил бўлганда эга бўладилар.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

- эркаклар - 58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда;

- аёллар - 53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

2.2. Ногиронлик пенсияларини тайинлаш шартлари ва тартиби.

Фуқароларига меҳр-мурувват кўрсатиш, уларга ғамхўрлик ҳамда ҳомийлик қилиш демократик, ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан саналади.

Шарқ халқларида, жумладан, Ўзбекистонда бева-бечораларга ёрдам қўлини чўзиш, уларга ёрдам кўрсатиш халқнинг миллий хусусиятларидан бўлиб, минг йиллар давомида таркиб топган ва ривожланиб келаётган тарихий анъаналар жумласига киради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда аҳолининг ночор, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами сифатида ногиронлар давлатнинг алоҳида муҳофазасига олинган.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09.1993 йил Қонуни. Манба: www . Lex. Uz.

² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09.1993 йил Қонуни.; Манба: www . Lex. Uz.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги “2000–2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши ва шунга оид давлат дастурининг тасдиқланиши ҳамда рўёбга чиқарилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 6 декабрда “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши ва ана шу мақсадга қаратилган дастурнинг маъқулланиши, қолаверса, ушбу дастурни рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январда “Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниши давлатимиз томонидан аҳолининг заиф қатламларини, хусусан, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига қай даражада катта аҳамият берилётганлигини яққол кўрсатади.

Шуни айтиш кифояки, давлат бюджети харажатларининг 45–50 фоизга яқини аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилади. Қонун ҳужжатларида аҳолининг 14 тоифаси учун 136 турдаги нафақалар ва имтиёзлар бериш назарда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ярим миллионга яқин фуқаролар ногиронлик пенсияси оладилар ва уларга ана шу мақсадда ўнлаб миллиард сўм маблағ сарфланади.

Фуқароларни ногиронлик пенсияси билан таъминлашнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (39-моддаси), Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни (III боб, 15-18-моддалари) “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари саналади “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунда ва бошқа норматив ҳужжатларида мустақамланган¹.

“Ногирон” шахс атамасининг расмий таърифи “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида баён этилган.

Унга кўра:

“Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади.

Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа билиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, шунингдек, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёки қисман йўқотганлигида ифодаланади”².

Ногиронларга тегишли асослар мавжуд бўлганида ногиронлик пенсиялари, бошқа ҳолларда эса ногиронлик нафақалари тайинланади.

Ногиронлик пенсияси меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллигига чалиниш туфайли ногирон бўлган шахсларга иш стажи миқдоридан қатъи назар, турмушда жароҳатланиш ёки умумий касалликлардан ногирон бўлиб қолган шахсларга эса ёшга мутаносиб келувчи меҳнат стажига эга бўлганларида тайинланади. Белгиланганидан кам меҳнат стажига эга бўлган умумий касаллик ёки турмушдаги жароҳатланиш (маиший

¹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09. 1993 йил Қонуни.; Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги 2 декабрь 2004 йил Қонуни. Манба: www.Lex.Uz.

²“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. Манба: www.yurida.uz.

жароҳат) оқибатида ногирон бўлиб қолган шахсларга тўлиқ бўлмаган миқдордаги ногиронлик пенсияси тайинланади.

Демак, ногиронлик пенсиялари ногиронлик сабабларига кўра икки турга бўлинади:

1) Меҳнатда майибланган ёки касб касаллигига дучор бўлган шахсларга тайинланадиган ногиронлик пенсиялари;

2) Умумий касаллик ва турмушдаги жароҳатланиш оқибатидаги ногиронлик пенсиялари.

Пенсия ҳажмига кўра:

1) Тўлиқ миқдордаги ногиронлик пенсиялари;

2) Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғда тайинланадиган ногиронлик пенсиялари.

Ногиронлик сабаблари таснифига мувофиқ ҳам ногиронлик пенсияларини яна бир қатор турларга бўлиш ҳоллари учраб туради (масалан, ҳарбий хизматчиларнинг ногиронлик пенсиялари, Чернобил атом электр станцияси ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган шахсларга тайинланадиган ногиронлик пенсиялари ва ҳоказолар).

Ногиронлик юз берганлиги факти ва унинг юз бериш сабаблари ҳамда муддати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Вояга етмаган болалар, болалиқдан ногирон бўлган шахслар ва меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга белгиланган тартибда ва миқдорда ногиронлик нафақалари тайинланиши кўзда тутилган.

Ногиронлик пенсиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади.

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Тиббий меҳнат экспертизаси комиссияси тизими қуйидагича:

Олий бўғин

-ногиронларни экспертизадан ўтказиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича Республика инспекцияси.

Ўрта бўғин

-Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Марказий тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари.

Бошланғич бўғин

-туман, туманлараро, шаҳар (умумий ихтисос бўйича) ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари.

Юқоридагилардан ташқари маслаҳат берувчи бўғин бўлиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ўзбекистон экспертиза ва ногиронларни меҳнат қобилиятини тиклаш илмий текшириш институти мавжуд.

Вилоятлар тиббий-меҳнат экспертизасида врач(терапевт, хирург, невропатолог ва бошқа тиббиёт мутахасиси, туман (шаҳар) тиббий-меҳнат комиссияларида 3 врачдан (терапевт, хирург, невропатолог))дан иборат бўлади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни тиббий текширишдан ўтказиш, яшаш жойидаги ёки бириктирилган касалликнинг олдини олиш муассасасида, мазкур ТМЭКга бириктирилган тегишли даъволаш муассасасининг йўлланмасига биноан ўтказилади.

ТМЭКлар тиббий текширишга 16 ва ундан катта ёшдаги фуқароларни уларда паспорт ёки уларнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат даъволаш муассасасининг

йўлланмаси (88у шакл), касаллик тарихидан кўчирма, меҳнат тури ва шароитлари хақидаги маълумотномаси бўлган тақдирда қабул қилинади.

Меҳнатга лаёқатли, қонда фоиз йўқотганлик даражасини аниқлаш учун комиссияга биринчи марта юборилган шахслар бахтсиз ҳодиса ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда саломатликка бошқа хилда путур етиши тўғрисидаги далолатномани (Н-І шакл) ҳам тақдим этадилар.

Айрим ҳолларда ТМЭК лар ижтимоий таълимот органларининг мақсади кўрсатилган ҳолдаги йўлланмаси бўйича, 16 ёшдан кичик шахсларни текширишдан ўтказишлари мумкин.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар, тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади:

Ёш	Иш стаж
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъи назар тайинланади. Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиясидан умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиясига ўтказилганда зарур стаж ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб аниқланади.

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) умумий касаллик оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси бор стажга мутаносиб миқдорда (29-модда) тайинланади¹.

2.3. Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. Ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш.

Ўзбекистонда турли сабаблар билан ота - онаси парваришидан маҳрум бўлиб қолган етим болалар, моддий мададсиз бошқа тоифадаси фуқароларга давлат ғамхўрлиги кўрсатилиши, улар моддий таъминотига кўмаклашиш - давлатнинг

¹Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги 03.09. 1993 йил Қонуни. Манба: www . Lex. Uz.

ижтимоий сиёсатининг муҳим жихатларидан бўлиб, ночор муносабатлари қарор топиши шароитида аҳолини кучли ижтимоий химоялаш тамойилига мос келади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасида айтилишича, вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлиб келган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланиши мумкин. Аммо марҳум боқувчининг фарзандларига ҳамда ёшидан ва меҳнат қобилятидан қатъий назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа - сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, укалари, сингиллари ёки боқувчининг набираларини улар уч ёшга етгунларига қадар боқиш билан машғул бўлсалар, марҳум билан бирга яшаган - яшамаганликларидан қатъий назар, боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланавериши назарда тутилган.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси фуқароларни ижтимоий таъминлаш, пенсия таъминотини амалга ошириш шаклларида бири бўлиб, унга кўра моддий таъминот бериб келган, турмуш кечиришнинг асосий манбаи бўлиб шахсни вафот этиши муносабати билан унинг қарамоғида бўлиб келган шахсларга қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилган тартибда, шартларда ва миқдорларида улар вояга етгунларига қадар, меҳнат қилиш қобилятлари қайта тиклангунча ёки бўлмаса тегишли ҳолларда бутун умрга давлат ижтимоий таъминот маблағлари ҳисобидан тайин этиладиган, қайтариб олинмайдиган, ҳақ олинмайдиган, мунтазам равишда тўлаб бориладиган пул тўловларидан иборат.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 16 ёшга тўлмаган бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар. Бунда ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилятли ота-онаси бўлмаса;

б) ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар 7-моддада назарда тутилган пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

в) ёшидан ва меҳнат қобилятидан қатъий назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

г) бува ва буви - агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эгадилар. Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар. Ўғай ўғил ва ўғай қиз, агар улар ота-оналаридан алимент олмаган бўлсалар, ҳақиқий фарзандлар сингари пенсия олиш ҳуқуқига эгадилар. Ўғай ота ва ўғай она, агар вафот этган ўғай ўғилни (қизни) 18 ёшга тўлгунга қадар камида 5 йил тарбиялаган ёки боққан бўлсалар, ҳақиқий ота ва она сингари пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонуннинг вафот этганлар оилаларига тааллуқли ҳамма қоидалари бедарак йўқолганларнинг оилаларига ҳам, агар боқувчининг бедарак йўқолганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса, тегишли равишда жорий қилинади.

Қонуннинг 19-моддасида кўрсатиб ўтилган оила аъзолари, агар улар марҳумнинг тўлиқ боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса, марҳумнинг қарамоғида турган деб ҳисобланадилар.

Мархумнинг бирон турдаги пенсия олаётган оила аъзолари, агар мархумнинг ёрдами улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса - боқувчисини йўқотганлик пенсиясига ўтиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек мархум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Башарти, боқувчи вафот этган кунга қадар унга ногиронлик пенсияси тайинланиши учун зарур иш стажига эга бўлган (17-модда) бўлса, умумий касаллик ёки иш билан боғлиқ бўлмаган майибланиш оқибатида вафот этган боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Бошқа мамлакатлардан кўчиб келган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг оилаларига, башарти, боқувчи Ўзбекистон Республикасида ишламаган бўлса, пенсиялар куйидаги ҳолларда тайинланади:

а) бошқа мамлакатларда боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олган оилаларга - боқувчисининг иш стажидан қатъи назар;

б) пенсия олмаган оилаларга - башарти, боқувчи ишлаш тўхтатилган кунга қадар тегишли стажга эга бўлган (17-модда) бўлса, меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган тақдирда эса - боқувчининг иш стажидан қатъи назар.

Умумий касаллик оқибатида вафот этган ҳамда ногиронлик пенсиясини тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган (17-модда) боқувчисини йўқотган оила аъзоларига пенсия боқувчининг бор стажига мутаносиб равишдаги миқдорда (29-модда) тайинланади.

Эр (хотин)нинг вафот этганлиги сабабли тайинланган пенсия пенсионер янги никоҳдан ўтганида ҳам сақланиб қолади.

Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади. Пенсиядан улуш ажратиб бериш пенсияни бўлиш тўғрисида ариза тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларга пенсиялар тайинлашда давлат ижтимоий таъминот органлари билан бир қаторда ҳарбий органлар ҳам иштирок этишлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни 5-моддасига кўра: «Ҳарбий хизматчиларни, шунингдек, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган шахсларни ҳамда уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш шартлари, нормалари ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади». Ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, умумий асосларда фуқаролик пенсияси олишни танлаш ҳуқуқи берилган.

“Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида” ги 1990 йил 28 апрелдаги собиқ СССР қонунига кўра (1991 йил 1 январдан амалга киритилган)¹ муддатли ҳарбий хизматчи ва уларнинг оила аъзолари ўзлари яшаб турган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига пенсия сўраб мурожаат қиладилар. Офицерлар, прапоршчиклар, мичманлар, муддатидан ташқари ҳарбий хизматчилар, Ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара қўшинлари давлат кўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари тегишли вазирлик ёки давлат кўмитасининг пенсия бўлимларига мурожаат қилишлари

¹1991 йил 3 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички Кўшинлар ҳарбий хизматчиларини ҳамда ички ишлар органлари бошлиқлари ва оддий ходимларини, уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 21 декабрда рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги пенсионерларига пенсия тўлашнинг вақтинчалик тартиби”. Манба: www . Lex. Uz.

лозимлиги белгиланган. “Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 52 - моддасига кўра, офицерлар, прапоршчиклар, мичманлар, муддатидан ташқари ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлаш органи, Мудофаа вазирлиги ёки бошқа вазирлик ва давлат пенсия бўлимлари ҳисобланадилар. Ушбу қонун асосида ҳарбий хизматчи хизматни тегишли вазирликлар (Мудофаа, Ички ишлар, вазиятлар вазирликлари, давлат қўмиталари чегара қўшинлари, божхона, Миллий хавфсизлик хизмати) ўз идоралари ходимларига пенсиялар тайинлаш ва тўлаш масалаларини белгилаб берувчи норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади ва шу асосда ушбу ҳарбий хизматчиларига пенсиялар тайинланади ва тўланади.

Ҳарбий органларнинг пенсия таъминоти юридик мақоми, ваколатлари ва иш олиб бориш тартиби тегишли идоравий норматив ҳужжатларга биноан белгилаб қўйилади.

III боб. Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти.

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди¹.

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти” тўғрисидаги қонуни. 2004 йил 24 декабрь., Манба: www . Lex. Uz.

олади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;
жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади¹.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади. Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига кўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Кўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда кўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти” тўғрисидаги қонуни. 2004 йил 24 декабрь., Манба: www . Lex. Uz.

фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади¹.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, шунингдек Халқ банкининг шу мақсад учун махсус ташкил этилган бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғарилиб бориладиган пенсия таъминоти” тўғрисидаги қонуни. 2004 йил 24 декабрь., Манба: [www . Lex. Uz](http://www.lex.uz).

даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов хужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки тўлов хужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказди.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун хужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими¹ қонун хужжатларида белгиланган шаклда берадиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани ушбу Қонун 6-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролар иш берувчи орқали, ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган фуқаролар эса бевосита яшаш жойларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берадилар. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси² жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ўз вақтида берилишини таъминлайди ҳамда берилган гувоҳномалар ҳисобини юритади.

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакиллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1252-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакиллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 1252-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда.

пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларининг ҳолати тўғрисида, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳақида ахборот олиш;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банкининг мазкур тўловчи олдидаги мажбуриятларини бажаришига таъсир қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

Халқ банки:

- жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Халқ банки:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

- жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

- жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини

таъминлаши;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул кадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш куйидаги ҳолларда тугатилади:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

- бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

- давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

Хулоса

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлабқ ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот масалаларида ҳалқаро ҳуқуқий

меъёрларни ва коидаларини ўз фаолиятининг асоси қилиб амалда ҳаракат қилди.

Бугунги кунда аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимоялаш масалалари такомиллаштирилиб, ривожлантирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон – ижтимоий ҳолатга асосланган, инсон ва фуқаро ҳақ-ҳуқуқлари тўла кафолатланадиган, самарали ҳамда ишончли ҳимоя қилинадиган демократик жамият барпо қилиш мақсадини ўз олдига қўяр экан, бунда тарихий-маънавий, миллий кадриятларимиз билан бир қаторда жаҳондаги илғор ва ривожланган мамлакатлар қўлга киритган ютуқлар, умумбашарий мезонларга ҳам амал қилишга интилиб келмоқда. Чунки, Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаб ўтганидек: - “... Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини ҳолисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-этиборининг тобора юксалиб бораётгани – буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Қисқача айтганда, биз танлаган ва “Ўзбек модели” деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда”¹.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида давлатнинг аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати, ижтимоий заиф аҳоли қатламларини моддий ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари, қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий ёрдам олиш соҳасидаги ҳуқуқлари айнан амалдаги тегишли қонунчилигимизни қўллаш жараёнида давлат органларининг кундалик фаолияти орқали рўёбга чиқарилади.

Давлат ўз аҳолисини ҳимоя қилган тақдирда инсонпарвар ҳисобланади. Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлашнинг кучли, таъсирчан механизми бўлгандагина бозор иқтисодиётига собитқадамлик билан ўтишни таъминлаш таркибий қайта қуришни амалга ошириш, ижтимоий сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ислоҳ қилиш мумкин. Ўтиш даврида давлат бош ислохотчи эканлиги билан боғлиқ равишда ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида унинг таъсирини ошириш, давлат органлари иш услуби ҳамда шакллари мунтазам мустаҳкамлаш, улар фаолиёти самарадорлигини юксалтириб бориш долзарб вазифалардан саналади.

Битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни билдиришни лозим деб топдик:

- Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуннинг 31-моддаси 5-бандида эътироф этилган –“пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади” деган нормани ўрнига, “пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган иш ҳақи олинади” деган нормани киритиш айна мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки амалда меҳнат қилиб пенсия ёшига етган фуқароларнинг ойлик иш ҳақлари миқдори ўртасида турлича фарқлар мавжуд бўлганда, пенсия миқдори бир хиллик асосида тайинланиши кузатилмоқда. Бу эса фуқароларнинг қилган меҳнатларига яраша пенсия олиши ҳолатларида ўртадаги мутаносибликни деярли фарқсиз ҳолатда қўлланилишига сабаб бўлмоқда;

- ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳасидаги давлат органлари иш фаолиятини ҳуқуқий асосларини ривожлантириш мақсадида “Давлат ижтимоий ҳимояси

¹ И.А.Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилidir”. “Ишонч” газетаси, 2010 йил 8 декабрь.

тўғрисида”ги қонун қабул қилиш йўли билан уларнинг статуси (ваколатлари, вазифалари, фаолиятининг асосий шакл ҳамда услублари ва бошқалар) мустақамланиши лозим;

- Пенсия жамғармаси ва ижтимоий ҳимояга оид давлат органлари тизимини янада такомиллаштириш ва улар устидан тегишли назоратни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз;

- туман, шаҳар ва аҳоли сони кўп бўлган йирик маҳаллаларда давлат назорати асосида иш юритадиган жамоатчилик шаклидаги ижтимоий хизмат марказларини ташкил этиш, ижтимоий ёрдамни кўпгина турларини улар орқали амалга ошириш даркор;

- ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни янада такомиллаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш инсонпарварлик принципининг муҳим омили ҳисобланади. Давлатнинг инсонпарварлиги ва ривожланишга биринчи навбатда у ўтказаетган ижтимоий сиёсатга қараб баҳо бериш мумкин. Давлатнинг ижтимоий ҳимояни самарали олиб бориши иқтисодий тараққиётга бевосита боғлиқдир, шу боисдан бу борада Республикамизда кенг қамровли ижобий ислохатлар амалга оширилиб, 2012 йида давлат бюджетининг 58, 6 фоизи ижтимоий соҳага ажратилгани эътиборга молик ҳодисадир. Бу эса келажакда халқимиз фаровонлигини янада ошишидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Т-1.–Т.: Ўзбекистон 1996 й.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: Т-2.–Т.: Ўзбекистон, 1996 й.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Т-3.–Т.: Ўзбекистон, 1996 й.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан: Т-4.–Т.: Ўзбекистон, 1996 й.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби: Т-5.–Т.: Ўзбекистон, 1997й.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида:Т-6.–Т.:Ўзбекистон,1998 й.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз: Т-7.–Т.: Ўзбекистон,1999 й.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.–Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз: Т-9.–Т.: Ўзбекистон, 2001й.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т.10-Т.: “ Ўзбекистон”, 2002 й.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: “ Ўзбекистон”, 2003 й.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12-Т.: “ Ўзбекистон”, 2004
13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди». Т., “Ўзбекистон” НМИУ

14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13-Т: «Ўзбекистон», 2005 й.
15. Каримов И.А. “Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият» Т.: «Ўзбекистон», 2005 й.
16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: Ўзбекистон, 2007 й.
17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008 й.
18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон. 2008 й.
19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009 й.
20. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Тошкент. Ўзбекистон. 2009
21. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Тошкент. Ўзбекистон. 2010 й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза).
22. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир (2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза).
23. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009 й.
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010 й.
25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи.16-сон.
26. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011 й.
27. Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаси. “Ҳақ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь.
28. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Манба: www.yurida.uz.

Асосий адабиётлар:

1. Турсунов Й., Шоимхонов З. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2003.
2. Турсунов Й., Усманова М.А. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2004.
3. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. Дарслик / Масъул муҳаррир ю.ф.н., доц. А.А.Иноятов. – Т.: ТДЮИ, 2005.
4. Исмоилов Ш.А. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи. – Т.: ТДЮИ, 2006.
5. Ismoilov SH.A., GaziyeV SH.M. Ijtimoiy taminot huquqi. – T: TDYUI, 2007.
6. Саримсакова Г.К., Газиёв Ш.М. Право социального обеспечения. – Т.: ТДЮИ, 2008.
7. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти бўйича норматив ҳужжатлар тўплами. – Т.: “Меҳнат” 1994 й.
8. Право социального обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под.ред. Э.Г.Тучковой. – М: Новый юрист, 1997.
9. Международная организация труда. Конвенции и рекомендации (1957-1990 г.) Том 1-2. Международное Бюро Труда. – Женева, 1991.

Норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2010.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1993. 5-сон, 225-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996. 9-сон, 128-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 51-сон, 512-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи. 2010 йил 24 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи. 2012 йил январь.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида“ ги 1998 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 5.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 5.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги 1998 йил 24 декабрдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 й., № 1, 10.

11. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2001 йил 30 августдаги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, № 9-10, 173-модда.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолини ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги 3017-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 15-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарорига 1 илова. “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги”ги Низом. 107-сонли қарорига 1 илова. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 14-сон, 15-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарорига илова “Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив ҳужжатлари. – Т.: Адолат, 2000.
14. “Ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш Тартиби”. 2011 йил 30 апрелда Адлия Вазирлигида 2222-сон билан давлат рўйхатига олинган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011. 18-сон, 47-модда.
15. Имтиёзли шартларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2,3-сонли рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида Йўриқнома. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва молия вазирлигининг 2012 йил 19 мартдаги қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 11-сон, 120-модда.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарорига 1 илова. “Болалиқдан ногиронларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 14-сон, 15-модда.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 108-сонли қарорига 2 илова. “Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 14-сон, 16-модда.
18. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июлдаги 300-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Касб касалликлари рўйхати”. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2000 йил, 12-сон, 165-166-бет.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” 1657-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 йил, 1-сон.
20. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 78-модда.
- 21.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони. ҚТ, 1999 йил, 1-сон.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги 3017-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 йил, 2-сон, 15-модда.
24. Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Адлия Вазирлигининг 2002 йил 14 майда 1136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлар Ахборотномаси, 2002 йил, 4-5-сон.
25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сон “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори, ҚТ, 1994 йил, 8-сон.
26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 август 434-сон қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. ҚТ, 1994 йил, 8-сон.

Қўшимча адабиётлар:

1. Право социальное обеспечения: практикум, нормативные акты, образцы документов. Под.ред. Э.Г.Тучковой. – М: Новый юрист, 1997.
2. Международная организация труда. Конвенции и рекомендации (1957-1990 г.) Том 1-2. Международное Бюро Труда. – Женева, 1991.

Электрон таълим ресурслари:

1. www.hs-sonet.net. Мотивация”.
2. <http://www.Solidarity-mos.ru/center/Lawyers/Komm.Tk>.
3. Сайт “Профсоюзная учеба”: neyantsev@z66.ru. <http://bca/uz/prot>.
4. www.yurida.uz.